Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

22 июнь 1971 йил, сешанба ◆ № 142 (15.012). ◆ Баҳоси 2 тийин.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПИЛЛАЧИЛАРИ МАРРАГА ЕТДИ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Самарқанд область пиллачилари 2140 тонна юқори сифатли «кумуш тола» топшириб, планни 101,8 процент адо этдилар. Бу ўтган йили тайёрланган пилладан 76 тонна кўпдир. Область пиллачилари муваффақиятига Нарпай райони 340 тонна, Иштихон — 278 тонна, Каттақўрғон — 195 тонна, Оқдарё — 190 тонна, Самарқанд райони — 178 тонна, Хатирчи — 174 тонна, Пайариқ — 165 тонна, Жомбой — 161 тонна, Пастдарғом — 148 тонна, Ургут — 140 тонна, Булунғур райони — 195 тонна «кумуш тола» қўшдилар. Нурота ва Ғаллаорол районларида пилла тайёрлаш қизғин давом этмоқда.

Л. ЭРГАШЕВ.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ БЕРЛИНДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Германия Бирлашган Социалистик партиясининг VIII съезди ишида қатнашган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси 19 июнда Берлиндан Москвага қайтиб келди.

Внуково аэродромида КПСС делегациясини Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, М. С. Соломенцев ва бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

* Ғўза парваришини кучайтиринг, узунасига ва кўндалангига культивация ўтказишни авж олдиринг. * Ғўза парваришини теримни комплекс механизациялашни кўзда тутиб ўтказинг. * Ғўзаларни қондириб суғоринг * *Бегона ўтларни бутунлай йўқотинг.* * *Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ўт очинг.*

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Учқўрғон районидаги Ленин номли пахтачилик совхозининг чорвачиликни янада ривожлантириш ва уни хўжалик ҳисобига ўтказиш борасидаги тажрибаси тўғрисида

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни қайд қиладики, Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз озуқа базасини мустаҳкамлаш ва чорвачиликни хўжалик ҳисобига ўтказиш натижасида пахта етиштириш ишини кўпайтира бориб, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анча оширишга, унинг таннархини камайтиришга эришиб, чорва молларини кўпайтириш ҳамда унинг маҳсулдорлигини оширишни таъминлади. Фермалар рентабелли ишлайдиган бўлиб қолдилар. Уларнинг чорвачиликдан оладиган даромадлари кўпайди.

«Совет Ўзбекистони» газетаси шу йил 12 июнда «Хўжалик ҳисоби самараси» сарлавҳали мақола босиб чиқарди. Бу мақолада совхозда ишлар қандай бораётганлиги ва хўжаликда чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари батафсил ҳикоя қилиб берилган.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Ленин номли совхозининг «Совет Узбекистони» газетасида баён қилинган иш тажрибасини маъқуллади ҳамда область ва район партия комитетлари зиммасига «Совет Узбекистони» газетасида эълон қилинган мақолани партия йиғилишларида ва чорвачилик ходимларининг йиғилишларида муҳокама қилиш, фермаларни хўжалик ҳисобига ўтказиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш ва шу асосда чорвачиликни янада юксалтиришга, қишлоқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғидан олинадиган даромадни кўпайтиришга эришиш мажбуриятини юклади.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига «Хўжалик ҳисоби самараси» сарлавҳали мақолани кўчириб босиш ва чорвачиликни хўжалик ҳисобига ўтказиш соҳасида хўжаликлар амалга ошираётган ишларни мунтазам ёритиб бориш таклиф этилди.

МАШИНА— ТЕРИМДА БАРАКА

Андижон область партия комитетининг секретари ўртоқ Исмоил Қурбонов билан суҳбат

Савол: — **Тошкент ва Сирдарё областларининг механизаторлари 1971 йилда пахтачиликни комплекс механизациялаш юзасидан катта тадбирлар белгиладилар. Исмоил Қурбонович, андижонликлар бу ташаббусни қандай кутиб олдилар ва бу соҳада нималар қилиняпти?**

— Теримнинг тақдирини машиналар ҳал қилади. Буни илғор хўжаликларнинг тажрибаси тасдиқлаган. Областимиз механизаторлари кейинги йилларда пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган йили область далаларида ўртача 2 мингта терим машинаси ишлади. Бултур областимиз пахтакорлари асосан уруғ тайёрлашга зўр берган эдилар. Шунга қарамасдан, 1970 йилда область бўйича ялпи ҳосилнинг 135,3 минг тоннаси машиналар ёрдамида терилиб олинди. Қўрғонтепа райони ялпи ҳосилнинг 53,4 процентини, Бўз райони 41 процентини машиналарда терди.

Ленин орденли «Савай» совхози пахтачиликни механизациялаш соҳасида катта ютуқларга эришди. Бу йириқ хўжалик об-ҳаво ноқулай келган 1969 йилда ялпи ҳосилнинг 63 процентини машиналарда терилиб олган эди. Бултур ҳосилнинг 73,5 проценти машиналарда терилди. Совхоз коллективи бу йил ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналарда терилиб олишга аҳд қилди. Қўрғонтепа районидаги «Бирлашган» колхозида ялпи ҳосилнинг 64 проценти, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида 61,2 проценти, Москва районидаги «Правда Востока», Марҳамат районидаги Ильич номли колхозларда 46 проценти машиналар билан терилиб олинди.

Тошкент ва Сирдарё область пахтакорларининг ташаббусидан илҳомланган бу йириқ хўжаликларнинг механизаторлари 1971 йилда йиғим-терим ишларини комплекс механизациялашни янада кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Хозир областимизнинг барча хўжаликларида Тошкент ва Сирдарё областлари механизаторларининг ватанпарвалик ташаббуси кенг қулоч ёйди. Ҳар бир хўжалик пахтани машинада теришга тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан чоралар комплексини ишлаб чиқяпти.

Марказий Фарғонада жойлашган Бўз райони пахтакорлари беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари — тўрт йилда бажариш ташаббусини бошлаган эдилар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бўзликлар ташаббусини маъқуллаб махсус қарор қабул қилди. Район пахтакорлари Тошкент ва Сирдарё областлари пахтакорларининг ташаббусига қўшилиб, бу йил ялпи ҳосилнинг камида 60 процентини машинада терилиб олишга аҳд қилдилар. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида астойдил қурашаётган Қўрғонтепа районининг механизаторлари ҳам ялпи ҳосилнинг 60 процентини машина ёрдамида терилиб олишга сўз бердилар. Избоскан, Балиқчи районларининг дала гвардиячилари ҳосилнинг 50 процентини, янги ташкил топган Пахтаобод райони пахтакорлари эса 40 процентини машиналарда терилиб оламиз, дейишмоқда. Бу йил андижонликлар давлатга 500 минг тонна пахта етказиб берадилар. Шундан 200 минг тоннасини машиналарда терилиб олиш учун қизғин қураш кетмоқда. Область бўйича 92 минг гектар майдондаги ғўза машина теримига ажратилди ва машинабоп қилиб ўстирилмоқда.

— **Исмоил Қурбонович, 1971 йилда Андижонда 200 минг тонна пахта машинада терилади, дедингиз. Мақсадга эришиш учун нималар қилиняпти?**

— План реал, ҳар бир хўжалик, ҳар бир бригада ўз имкониятини ҳисоблаб туриб, машина терими юзасидан мажбурият олган. Бу мажбуриятлар умумий йиғилишларда муҳокама қилинган. Улар машина теримига тайёргарлик ишларини йилнинг бошлариданоқ бошлаб юборганлар. Область бўйича машина теримига ажратилган 92 минг гектар майдондаги ғўза алоҳида парвариш қилиняпти. Бу майдонлар бегона ўтдан тозаланган. Ғўзани говлатиб юбормаслик чоралари кўриляпти. Бу йил машиналарни мумкин қадар эртароқ ишга тушириш режасини тузиб қўйдик. Область далаларида 2500 пахта териш машинаси, 1000 та кўрак узиш машинаси, 1000 тага яқин подборщик ишлайди. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш таъминланади. Бунинг учун 9 мингта прицеп ва автомашина ўз вақтида тайёрлаб қўйилади. Барча техника ва ғўза баргини сунъий равишда тўктириш учун керакли дефолиантларни 25 августга қадар тахт қилиб кўямиз. «Узсельхозтехника»нинг барча устаханаларида, колхоз, совхозларнинг гаражларида пахта териш машиналарини ремонт қилиш қизғин тус олган. Ремонт ишлари планли равишда, график асосида олиб борилмоқда. Бу иш айниқса Қўрғонтепа, Пахтаобод, Марҳамат районларида яхши ташкил этилган. Ремонтчилар учун қулай иш шароити яратиб берилган.

Область совхозлар трестига қарашли хўжаликларда машина теримига тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилди. Трест бўйича бу йил етиштириладиган ҳосилнинг 65 проценти машиналар ёрдамида терилиб олинади. Хозирги ҳаракат ана шунга яраша бўляпти.

— **Машина терими кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқ. Областда механик-ҳайдовчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари қандай боряпти?**

— Бу муҳим масала область партия комитети ва қишлоқ хўжалик органларининг диққат марказида турибди. Область бўйича ҳар бир машинага икки ҳайдовчи тайёрлаш планлаштирилган. Хозир областимизда 3 минг механик ҳайдовчи бор. Области партия, совет ташкилотлари, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари, механизатор кадрларнинг билимини ошириш масаласига катта эътибор бермоқдалар. Механик-ҳайдовчиларнинг бир қисми механизатор кадрлар тайёрлаш билим юртларида ўз малакаларини оширмоқдалар. Механизаторлар сафи мактабни битириб чиққан ёшлар ҳисобига тўлдириб борилади.

Пахтани сифатли териш, машинадан унумли фойдаланиш кўп жиҳатдан механизатор кадрларнинг қобилиятига боғлиқ. Область партия комитети ана шуни эътиборга олиб механик-ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш тўғрисида тинмай гамхўрлик қиляпти. «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмалари ва йирик хўжаликлар хузурида махсус курслар очилиб, механик-ҳайдовчиларнинг малакаси оширилади.

Терим маҳалида ҳар йилдагидек бу йил ҳам барча хўжаликларда кўчма устаханалар ташкил этилади. Малакали созловчилар тайёрланади. Бу ўринда яна совхозлар трестини мисолга олиш мумкин. Трест бўйича 595 механик-ҳайдовчи малакасини оширади. Янгидан 140 механизатор тайёрланади.

— **Ўтган йилларда айрим хўжаликларда машинадан унумли фойдаланилмаганлигини биламиз. Ҳатто машина терими планини барбод этган хўжаликлар ҳам бўлди. Бу йил ўтган йиллардаги хатоларга хотима бериш учун қандай чоралар кўриляпти?**

— Тўғри, областимизда бундай хўжаликлар йўқ эмас. Масалан, Хўжаобод районидаги «Правда» колхозида 1968 йилда ҳосилнинг 26 проценти, 1969 йилда 20 проценти машиналарда терилиб олинган бўлса, ўтган йили машиналарда терилиб олинган пахтанинг салмоги 7 процентдан ошмади. Колхоз партия ташкилоти бунга беparволик билан қаради. Икки йил ичида партком бу масалани коммунистлар муҳокамасига олиб чиқишни лозим топмади. Бу колхоз Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи пленумида адолатли танқид қилинди. Партия ташкилоти ва колхоз правлениеси танқиддан тўғри хулоса чиқариб, бу йил машина теримини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқди.

Область партия, совет ташкилотлари, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари бутун диққат-эътиборни белгиланган планларнинг сўзсиз бажарилишини назорат остига олишга қаратмоқдалар.

Андижон областининг далаларида мўл-кўл ғалла ҳосили етиштирилди. Ғаллакорлар ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Суратда олтин бошоқларни чамалаб кўраётган Пахтаобод районидаги «Маданият» совхозининг агрономи А. Аҳқаралиев ва бригадир Т. Абдурашидов ўртоқлар тасвирланган.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ область Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг ажойиб сувчилари бор. Булар орасида Эргаш Нишонбоев алоҳида ўрнак кўрсатмоқда. Суратда: моҳир сувчи Э. Нишонбоев.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Андижон областининг Избоскан районидаги «Ўзбекистон» колхозининг партия XXIV съезди қарорларидан руҳланган меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда яхши натижаларга эришдилар. Сут, жун сотиш юзасидан белгиланган йиллик планлар бажарилди, тухум топшириш плани 160 процентга етказиб бажарилди. Давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планн 116 процент бажарилди.

Колхоз фермасини механизациялашга катта аҳамият берилмоқда, мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилмоқда.

БИР ЯРИМ ЙИЛЛИК СЕНАЖ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Нарпай районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари камида бир ярим йилга етадиган миқдорда ем-хашак жамгаришга бел боғлашган. Шу мақсадда мактабхўжа ва бедадан мўл ҳосил етиштирилди. Беданинг иккинчи ўрими тугалланяпти.

Колхозда бедага табиий ўтларни қўшиб сенаж бостиришга айниқса катта аҳамият берилмоқда. Хозиргача бир неча минг тонна сенаж тайёрланди. Бундан ташқари, гектар бошига 150 центнердан беда пичани жамгариш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

21 июнда Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети иккинчи пленумининг шу масалага доир қарори муносабати билан шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов доклад қилди.

Пленумда Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов қатнашди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ГБСП СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

БЕРЛИН, 21 июнь. (ТАСС). 19 июнь шанба куни бу ерда Германия Бирлашган Социалистик партияси VIII съезди ўз ишини тамомлади. Съезд Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилди. Германия Демократик Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига доир директиваларни тасдиқлади.

Делегатлар Ҳинди-Хитойга доир баёнот ва Яқин Шарқ тўғрисида баёнот қабул қилдилар.

Съездда Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг ва Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий ревизия комиссиясининг янги составлари сайланди.

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумида ўртоқ Эриҳ Хонеккер Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари қилиб сайланди.

ДЕЛЕГАЦИЯЛАР ШАРАФИГА

БЕРЛИН, 21 июнь. (ТАСС). Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Германия Бирлашган Социалистик партияси VIII съезди муносабати билан қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг шу съездда қатнашган делегациялари шарафига 19 июнда қабул маросими ўтказди.

Маросимда тўпланганлар Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Э. Хонеккерни, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларини ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатларни, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг секретарларини, КПСС делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни, қардош партиялар делегациялари раҳбарларини қизғин қарсаклар билан кутиб олишди.

Ўртоқ Э. Хонеккер меҳмонларни табриклаб нутқ сўзлади.

КПСС делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қардош партиялар делегациялари номидан жавоб нутқи сўзлади.

Қабул маросими қардошларча, самимий вазиятда ўтди.

СУРИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Сурия Араб социалистик уйғониш партияси Дамашқ шаҳар комитетининг секретари Аҳмад Ҳусайн бошчилигида шу партия ходимларининг Узбекистонга келган делегацияси Узбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишиб чиқди.

Суриядан келган меҳмонлар Тошкентда шаҳарнинг янги қурилишларини бориб кўрдилар. В. И. Ленин марказий музейининг филиалида бўлдилар, Узбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини тамошо қилдилар. Делегация аъзолари Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозга бориб келишди.

(ЎзТАГ).

ВИЗИТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

ДАМАШҚ, 21 июнь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов бошчилигида Сурия Араб Республикасида расмий дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турган СССР Олий Советининг делегацияси кеча Ватанига жўнаб кетди.

Совет делегацияси бу ерда бўлган вақтда уни Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад ва мамлакат Бош министри Абдул Раҳмон Ҳалифави қабул қилдилар.

Совет делегацияси билан Халқ кенгаши раиси Аҳмад Хотиб бошчилигидаги Сурия Араб Республикаси делегацияси ўртасида расмий музокаралар бўлиб ўтди.

Визит вақтида делегация Суриянинг бир қанча саноат корхоналарини, шунингдек Совет Иттифоқининг техника ёрдамида барпо этилаётган Фрот гидроэнергетика комплекси қурилишини бориб кўрди.

Халқ кенгашининг раиси Аҳмад Хотиб совет делегациясини Сурия Араб Республикасига қилган визити аҳамиятини таърифлаб, бу визит Совет — Сурия ҳамкорлигини янада ривожлантиришга munosib ҳисса қўшди, деб айтди. Кези келганидан фойдаланиб, деди у, араб халқининг империализмга ва сионизмга қарши олиб бораётган курашини қардошларча қўллаб-қувватлаётганликлари учун совет кишиларига самимий миннатдорчилигимизни топширишни меҳмонларимиздан илтимос қиламиз.

* * *

Сурия Араб Республикаси Халқ кенгашининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Дамашққа борган СССР Олий Советининг делегацияси 20 июнда Москвага қайтиб келди. Делегацияга СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов бошчилик қилди.

Делегация аъзоларини Шереметьево аэродромида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

(ТАСС).

«САЛЮТ» ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ ЕР АТРОФИНИ МИНГ МАРТА АЙЛАНИБ УЧДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 20 июнь. (ТАСС). Москва вақти билан соат иккидан 14 минут ўтганда орбитал «Салют» илмий станцияси Ер атрофини минг марта, шу жумладан экипаж билан Ер атрофини 206 марта айланиб учди.

Программага мувофиқ космонавтлар Георгий Добровольский, Владислав Волков ва Виктор Пацаев 20 июнда дам олдилар. Алоқа сеансларида илмий станция экипажи радио ва телевизион репортаж ўтказиб, орбитал станциянинг тузилишини ва илмий аппаратларнинг ишини гапириб бердилар.

Космонавтлар ўтган суткалар давомида Ер сатҳини ва ҳар хил метеорология ходисаларини кузатиш юзасидан олинган натижаларни ҳам маълум қилдилар. Масалан, 19 июнь куни соат 14 дан 58 минут ўтганда Африканинг ғарби шимолий соҳили тепасидан учиб ўтаётганларида космонавтлар чанг бўронини кўрдилар.

Космонавтларнинг берган ахборотлари ва телеметрик контроль маълумотларига қараганда экипажнинг кайфияти яхши, станциянинг борт системалари ва илмий аппаратлари нормал ишлаб турибди. Учувчи бошқараётган орбитал «Салют» илмий станциясининг учиши муваффақиятли давом этмоқда.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИ ТАШҚИ ИШЛАР КОМИССИЯЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ФРАНЦИЯДА БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

ПАРИЖ, 20 июнь. (ТАСС). Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг Раиси В. Н. Пономарев бошчилигида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияларининг делегацияси Франция миллат мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг таклифига биноан 1971 йил 14 июндан 20 июнга қадар Францияда бўлди. Франция ташқи ишлар министри М. Шуман билан суҳбат ўтказилди.

Совет делегацияси билан француз делегацияси ўртасида ишонч ва самимийлик вазиятида ўтказилган кенг фикрлашувлар икки мамлакат ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатларга мос бўлиб тушди ва Франция Республикаси президентининг 1970 йил октябрь ойида қилган расмий визитини характерлаб берди. Шу музокаралар Совет — Франция ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва парламентлар йўли билан алоқаларни ривожлантириш ҳақида, шунингдек жаҳон сиёсатининг муҳим проблемалари ҳақида, жумладан Европа проблемаси тўғрисида гапланиб олинди.

Томонлар шу нарсага гоят аминдирларки, Совет Иттифоқи билан Франциянинг икки бўлиб ҳамкорлик қилиши ҳар иккала мамлакат халкларининг дўстлик традицияларига, ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади ҳамда Европадаги ва бутун дунёдаги вазиятга ижобий таъсир ўтказади.

Улар шу нарсага аминларки, иқтисодий тузумлари ўртасидаги тафовутларга қарамай, Совет Иттифоқи билан Франция халкларининг тўқ миллий манфаатлари бир-бирига мос бўлиб тушаётганига таянib совет—француз ҳамкорлигини тағин ҳам ҳар томонлама ва доимий ҳамкорликка айлантирмоқ учун бу иккала мамлакат олдида кенг истиқболлар очилган. Совет ва француз депутатлари ўзларини вакил қилиб юборган қомиссиялар номидан гапириб, Совет Иттифоқи ва Франция кейинги йилларда бораётган ўзаро яқинлашиш йўлидан бундан буён ҳам боравериш, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг бундан буён ҳам ҳозиргидек юксак даражада бўлишига кўмаклашишга қатъий ният қилиб, қўйганликларини айтдилар.

Депутатлар Европада Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги алоқалар ривожланиб ва чуқурлашиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Бу эса фақат иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий муносабатлар ривожланиб бораётганлигинигина кўрсатиб қолмасдан, шу билан бирга Европадаги барча давлатларнинг сиёсий муносабатларини нормаллаштириш ва яхшилаш, уларнинг ҳозирги чегаралари бузилмаслигини эътироф қилишни таъминлаш ва ҳамманинг шу чегараларни ҳурматлашини таъминлаш, куч билан таҳдид солишга ёки куч қўлланмоқчи бўлиб таҳдид солишга йўл қўймаслик мақсадида ҳаракатлар қилинаётганлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Биргаликда куч ва ғайрат сарфлаш Европа хавфсизлигига дахл қилаётган ва ечилмаган проблемаларни бартараф қилиш шароитини вужудга келтиришга, Европанинг ҳарбий гуруҳларга бўлиниб кетишини тугатишга ва Европа қитъасида тинчликни таъминлашга имкон беради. Депутатлар барча манфаатдор давлатлар ўртасида муносабатларни ривожлантиришга ва доимий ҳамкорлик вужудга келтиришга кўмаклашишни мақсад қилиб олиб, ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган ва тегишли равишда тайёрланган Умумевропа кенгашини чақириш Европадаги кескинликни юмшатишга ёрдам берган бўлур эди, деб ҳисоблайдилар.

Депутатлар кенгашни муваффақиятли ўтказмоқ учун, жумладан, икки томонлама-кўп томонлама алоқалар қилиш йўли билан актив ва ҳар томонлама тайёргарлик ишларини дарҳол бошлаб юборишни зарур деб ҳисоблайдилар. Улар мана шу кенгашни тайёрлашга доир олиб борилаётган ва олиб борилаётган маслаҳатлашувлар шу кенгашни муваффақиятга олиб келадиган рухда ўтишини таъминламоқ учун тегишли министрликларга кўрсатмалар берилишини истайдилар.

Ҳозирги вақтда Берлинда олиб борилаётган тўрт томонлама музокаралар Европадаги вазиятга янада яхшилашга кўмаклашадиган тарзда муваффақиятли тугалланишига ҳар иккала томон умид билдирди.

Депутатлар Яқин Шарқ ва Ҳинди-Хитой масаласидаги нуқтаи-назарларнинг бир-бирига мос бўлиб тушганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Ҳавфсизлик кенгашнинг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюцияси қоидаларининг ҳаммасини амалга ошириш асосида Яқин Шарқда аҳволни сиёсий бартараф қилмоқ ва тинчликни қайта тикламоқ учун куч ва ғайрат сарфлашни давом эттириш зарур.

Депутатлар Ҳинди-Хитойдаги уруш кенгайтирилаётганлигини ва шу райондаги давлатларнинг ишларига чет давлатларнинг аралашаётганлигини қоралайдилар, ҳамда шу райондаги халқларнинг четдан ҳеч кимни аралаштирмай, ўз тақдирларини ўзлари бошқаришларига имкон бермоқ учун куч ва ғайрат сарфлашни давом эттиришни зарур деб ҳисоблайдилар.

Томонлар қуролсизланиш, жумладан ядро қуролсизланиши йўлида қилинаётган ҳаракатларни давом эттириш кераклигини айтишди. Улар ядроли беш давлат конференциясини чақириш тўғрисидаги фикрга ҳайрихоҳлик билан қарайдилар ва бу йўлдаги амалга ошириш зарурлиги тобора кучайиб бораётганлигини уқтириб ўтдилар.

Давлатларнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда парламентларнинг ролини ҳисобга олиб ҳамда Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида, совет халқи билан француз халқи ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишга интилиб томонлар СССР Олий Советининг ва Франция миллат мажлисининг ташқи ишлар комиссиялари ўртасидаги алоқалар ва фикрлашувларга доимий тус бериши керак, деб келишиб олишди. Бундан буён шундай учрашувлар ва алоқалар йилига камида бир марта ўтказиб турилди, деган қарорга келишди.

СССР Олий Совети палаталарининг ташқи ишлар комиссиялари Франция миллат мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг делегациясини ҳар иккала томонни қизиқтираётган масалаларни амалий муҳокама қилиш учун Совет Иттифоқига жавоб визити билан келишга таклиф қилди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Республикамиз саноат корхоналарининг коллективлари янги беш йилликнинг дастлабки йилидаёқ янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Чапдаги суратда: Маргилон «Атлас» фирмасининг илғор ишчиси М. Аминовани кўриб турибсиз. У смена ва ойлик топшириқларини ҳар доим 130-140 процент қилиб бажармоқда. Ўнгдаги суратда эса, Янгийўл шаҳридаги пойафзал фабрикаси бичувчилик цехининг ишчиси Д. Ҳусниддинова. У бир неча йилдан бери шу коллективда ишлаб, топшириқни ҳар доим ошириб бажариб келмоқда, маҳсулотни тежашга алоҳида эътибор бермоқда.

А. Тўраев фотолари.

АХБОРОТ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ДОРИШУНОСЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Аввало соғ-саломатликка нима етсин-у, лекин, бетобликда ҳаммамиз ҳам врачларга мурожаат қиламиз, «зўр» дорилардан топиш пайига тушамиз. Хўш, фойдали, тез таъсир этувчи дори-дармонларнинг сифатини, ишлаб чиқариш технологиясини қандай қилиб яхшилаш мумкин? Республикамиз доришунослари яқинда бўлиб ўтган конференцияда ана шу ҳақда ўзаро фикрлашдилар.

Фарғонада Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги аптекалар бошқармаси ва Тошкент фармацевтика институти коллективи томонидан уюштирилган илмий-практик конференцияда республика областларининг 300 дан кўпроқ аптека ходимлари ҳамда мутахассислар иштирок этди. Йиғин қатнашчилари 15 дан зиёд қизиқарли лекция ва докладлар тинглашди.

Л. ИКРОМОВ.

УЛКАНИ ЎРГАНИШ МУЗЕЙИ

Андижон областининг Ленинск районида маркази ободонлашиб, шаҳар қиёфасини олмоқда. Яқинда бу ерда ўлкани ўрганиш музейининг очилишига бағишланган тантана бўлди. Музейни келиб кўрувчилар кун сайин кўпаймоқда.

У. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

САНЪАТКОРЛАР САФАРИ

Андижон область музикали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи навбатдаги сафарга ҳозирлик кўрмоқда. Санъаткорлар қардош Қозоғистоннинг Жамбул, Туркистон, Чимкент шаҳарлари ва турли қишлоқларида бўлишади. Сафар репертуарига «Холисхон», «Хотинларнинг эри», «Жон қизлар» «Беш кунлик куёв» спектакллари ва янги қисмдан иборат концерт киритилган.

Н. ИНОҚОВ.

* * *

Редакциямизга шунингдек, андижонлик У. ҲОЛИҚОВ, М. УТАНОВ, самарқандлик Н. ҲАМДАМОВ, фарғоналик Ж. САРИМСОКОВ, наманганлик А. МАҲСУМОВ, Тожикистон ССР-дан Н. МАМАСАИДОВ, тошкентлик А. МИРЗАЕВ, сирдарёлиқ Э. РУЗИБОЕВ, хоразмлик Р. СОБИРОВ ва бошқалар қизиқарли хабарлар йўллашган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

КОММУНИСТ ВА ДАВР

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, шу академиянинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Усимликлар химияси институти директори, немис табиатшунослари академиясининг академиги Собир Юнусов фанда мактаб яратган олим бўлиб, 450 дан ортиқ илмий ишнинг муаллифи. Коммунист олим бошқарётган институт коллективи медицина, қишлоқ хўжалиги учун янги препаратлар, дефолиантлар, гербицидлар, ўстириш стимуляторлари, ўсимлик касалликларига, жумладан, ҳавфли окпалак-вилт касаллигига қарши ишлатиладиган моддалар ва ғўзадан озуқа оқсиллар олиш йўлида катта ишлар олиб бормоқда. Мазкур институтда нашр қилинаётган журналнинг ҳорижий мамлакатларда ҳам ихлосмандлари кўп.

Институт илм аҳли қўлга киритган муваффақиятларга химия фанининг йирик намояндаларидан, академик А. Н. Несмеянов: «Ҳозирги замон ўсимлик ашёсида маржуд бўлган алкалоидларни А. П. Орехов мактаби кенг кўламда тадқиқ этгани билан фахрланишимиз мумкин. Эндиликда эса, алкалоидларга оид ишлар маркази Узбекистон ССР Фанлар академияси бўлиб қолди», — деб юксак баҳо берган.

Яқинда атоқли олим СОБИР ЮНУСОВ билан мухбиримиз учрашиб, суҳбатлашди. Қуйида ана шу суҳбат эътиборингизга ҳавола қилинаётир.

— Ҳурматли Собир Юнусович, — коммунист олим қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

— Ҳар бир совет олими, биринчи навбатда, коммунист олим ҳақиқий инсон, интернационалист бўлиши керак. У ўзида ростгўйлик ва камтарлик, маънавий поклик ва принципиаллик, изланиш ва талабчанлик каби фазилатларни тўла мужассамлаштирган бўлиши керак. У ҳамиша идеология фронтининг толмас курашчиси сифатида иш олиб бориши лозим. Зеро, коммунист олимнинг партиявий бурчи ҳам уни шунга даъват этади.

— Олимнинг камтарлиги ва принципиаллиги нима билан белгиланади?

— Унинг қилаётган конкрет иши ва юриш-туриши билан. Камтарин олим юбилейидан кўра кўпроқ ўзи ишлаётган фан соҳаси олдида турган муаммолар ҳақида ўйлайди. Унинг принципиаллиги эса илмий баҳсларда кўринади. Бировларнинг мансаби ва унвонидан қатъий назар, ишнинг ютуқ ва камчиликларини рўй-рост айтади. Диссертация ҳимоясида минбардан мақтаб, овоз бериш-да қарши бўлмайди ва аксинча. **Чунки коммунист ҳаммавақт ва ҳамма ерда коммунистлигича қолиши керак-да.** Бу масала КПСС XXIV съездида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— КПСС XXIV съезди бир қанча ташкилотлар қатори илмий-тадқиқот институтлари партия ташкилотлари ҳуқуқини ҳам конкрет белгилаб берди. Шу ҳақда икки оғиз гапириб берсангиз.

— Бошланғич партия ташкилоти — партиянинг асоси.— Меҳнат коллективининг ўзаги, унинг етакчи кучидир. Зотан, унинг бурчи ҳам ўзининг бутун фаолияти билан коллективни жиспластиришга, унинг активлигини, жанговарлигини, одамларни тарбиялашдаги ролини оширишга ёрдам беришдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми ҳам КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш тўғрисидаги қаётий муҳим масалани муҳокама этиб, тегишли қарор қабул қилди.

КПСС XXIV съезди маъмурият фаолиятини назорат қилиш тўғрисида партия Уставида баён этилган қоидани барча лойиҳа ташкилотлари, конструкторлик бюролари, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, маданий-оқартув муассасалари ҳамда маъмуриятларининг фаолияти ўз коллективлари доирасидан четга чиқмайдиган бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг бошланғич партия ташкилотларига ҳам жорий қилди. Бу айни муддао бўлди. Айниқса, илмий-тадқиқот институтлари бошланғич партия ташкилотларига шундай ҳуқуқ берилганидан миннатдормиз. Энди партия ва ҳукуматимиз илмий ходимлар олдига қўйган вазифалар қандай ҳал қилиняпти, давлатнинг сармояси қандай сарфланяпти, ёш олимлар тайёрлашнинг аҳволи, ҳар бир олим ишлаб чиқаришга нималар беряпти, фанни бевосита ишлаб чиқариш кучига айлантириш учун нималар қиляпти деган масалалар партия ташкилотлари томонидан назорат қилиб борилади. Олимларнинг ҳисоботлари тингланади. Бу эса илмий кадрларга нисбатан талабчанликни оширади. Яширишнинг ҳожати йўқ. Давлатнинг жуда кўплаб маблағини сарфлаётган баъзи илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган айрим ишлар ҳали шу кунинг юксак талабларидан орқада қолмоқда. Айрим олимларимиз кўпинча мустақил иш қилиш ўрнига шогирдларининг ишига шерик бўлишади.

— Сиз бошқараётган институтда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш борасида қилинаётган ишлардан гапириб берсангиз.

— Биз, аввало, бирор ходимни ишга қабул қилишда жуда саралаб, «чертиб-чертиб» оламиз. Унинг ўз соҳасини яхши билиши, фанга қизиқиши биз учун мезон. Ходимга талаб қўйиш билан бирга зарур шароит ҳам яратиб берамиз. У ўз билим савиясини қандай ошираётганини кузатамиз. Мавжуд нуқсон ва камчиликларини юзига очиқ айтамиз. Шунисн қувончлики, ҳозир лаборатория мудирлари ва илмий ходим бўлиб ишлаётган олимларимизнинг аксарияти ўз фаолиятини институтимизда оддий лаборантликдан бошлашган. Химия фанлари докторлари — Н. Абубакиров, Г. Сидякин, П. Йўлдошев, Х. Абдуазимов, С. Акромов, фан кандидатлари С. Искандаров, В. Маликов, М. Юнусов, З. Файзуддинова, А. Абдусаматов ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

— Шогирдсиз олим — меваси дарахт дейишади. Қандай устозни ҳурмат қиласиз ва қанақа шогирдни қадрлайсиз?

— Устоз деган юксак номга маънавий ҳуқуқи бўлган олимни устоз сифатида бошимга кўтараман. Оёғидан ўт чақнайдиган, илмга ҳамиша ташна бўлган, садоқатли ва камтар шогирдни қадрлайман. Устоз бўлиш учун фақат илмий даражанинг ўзи кифоя эмас. Чунки у қанчалик юқори бўлмасин, қилинган ишлар эвазига олинган. Устозлик эса келажакдаги ишлар учун илмий раҳнамолик демакдир. Шунинг учун фақат изланувчи, кунт билан ишловчи, фанга жамиятга янгилик берувчи олимгина устоз деган улуғ номга сазовор бўлади.

Аслида, шогирд ҳам унвонингизга қараб эмас, билимингизга қараб тош қўяди. Унга қандай янгиликларни ихтиро қилишга йўлланма берганингиз ва йўл-йўриқ кўрсатаётганингизга қараб тўн бичади. Менинг назаримда, шогирд билан устоз ота билан фарзандек гап. Шогирднинг ютуғидан устознинг боши кўкка етгудек бўлса, унинг ишидаги камчилиги ёки нуқсонидан руҳан эзилади. Шунинг учун меҳрибончилик билан талабчанлик уйғунлашиб кетади. Чунки бир неча йиллар давомида олиб борилган илмий ҳамкорлик жараёнида дил-дилга, қалб-қалбга, кўнгил-кўнгилга пайванд бўлиб кетади.

Шогирдингизнинг ишончини оқламасангиз, унга амалий йўлланма ва йўл-йўриқ бера билмасангиз, унинг сиздан ихлоси қайтади, меҳри совийди. Шундай экан, устоз шогирдга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан конкрет ишда, кундалик фаолиятида ибрат кўрсата билиши керак.

— Айрим олимлар ўзларининг ниҳоятда банд эканликларини рўкач қилиб, партия топшириғини бажаришдан баъзан ўзларини олиб қочишади. Бу ҳақда Сиз нима дейсиз?

— Топшириқ — бу партия комитети, бошланғич ташкилот секретарининг шахсий илтимоси эмас. Партия топшириғи партия ташкилотининг коммунистга коллектив наказ. Шунинг учун ҳам уни бажариш ҳар бир коммунист учун ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки коммунист партиянинг онгли солдати. Партия ҳаётининг олий қонуни бўлган демократик централизм принципининг талаби ҳам худди шу. Чунки коммунистга бериладиган ҳар бир топшириқ унинг партиявий бурчидан келиб чиқади.

— Фан истиқболининг эгалари бўлган ёшлар ва ёш олимлар ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Ҳар бир ёш аввало ўзи қизиққан соҳада ўқиши керак. Ўзи қизиқмаса ҳам, таниш-билиш қилиб, олий ўқув юртига киradиганларни сира ёқтирмайман. Чунки улар келажакни ўйламай иш қилаётганини тушунишмайди. Худди ана шунга ачинаман. Афсуски, бу ғуноҳга аксарият ҳолларда айрим ота-оналар ҳам шерик бўлаётганига ниҳоятда таажжубланаман. «Олим бўлиш шарт эмас, фан кандидати бўлиш мажбурий» деган «ҳикмат»га амал қилаётган «илм ташна»ларига чучварани хом санаётганлигини очиқ айтаман. Кейинги пушаймон ўзингга душман деган халқ мақолини унутманг, деб огоҳлантираман.

Фан оламига қобилиятли ва билимдон, уфқи кенг ёш олимларнинг кўплаб қўшилаётганига келсак, бу табиий бир ҳол. Чунки фан оқибат-натижада бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боришига худди ана шу истиқболли ёшлар самаралн ҳисса қўшиши керак. Фаннинг келажаги улар қўлида.

— Ҳурматли Собир Юнусович! Илм ва амалиёт ҳақидаги савол билан суҳбатни якунласак.

— Тажриба — ҳақиқат мезони. Гипотеза ҳал қилингач, назарияга айланади. Назариянинг ҳаётийлигини кундалик практика кўрсатади. Шунинг учун илмий соҳада яратилган ҳар бир янгилик ишлаб чиқаришда бевосита қўлланиши лозим бўлган вақт етиб келди.

Бизнинг институтда биологлар турли-туман ўсимликларни йиғиб келишади. Унинг биологик хусусиятлари ҳақида узоқ тажрибалардан сўнг, ҳукмларини чиқаришади. Гал химикларга ўтади. Улар ўсимликнинг кимёвий таркибини ўрганиб, моддаларни аниқлаб беришади. Иш яна давом этади. Навбат медикларга. Улар ана шу моддаларнинг тирик организмга таъсирини синаб кўришади. Қатъий бир қарорга келгач, уни «кичик фабрика» ҳисобланган технология лабораториясида дори сифатида ишлаб чиқаришга киришилади. Бизда муваффақиятли якунланган ҳар бир тажриба маҳсули дарров фармацевтика заводида ишлаб чиқилади. Масалан, кейинги йилларда яратилган дорилар юрак томир ва бошқа касалларни даволашда муваффақиятли ишлатилмоқда. Беморларнинг дардига даво, ярасига малҳам бўлмоқда.

Институт ходимлари 4 мингга яқин ўсимликни текшириб, шундан 2 мингдан ортиқ алкалоидли эканини аниқлашди. 240 га яқин алкалоидни ажратиб олишди. Шундан 140 таси биринчи марта бизнинг институтимиз коллективи томонидан олинганн билан фахрланамиз.

Дўст ачитиб гапирадиган гап бор. Планни бажармаган ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар қаттиқ танқид қилинади. Бу тўғри, бироқ ишлаб чиқаришга янгилик бермаётган ёки фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун жон куйдирмаётган, кўп вақтларини амалий аҳамияти анча кам бўлган соҳаларга самарасиз сарфлаётган баъзи илмий лабораториялар ҳақида негадир жиддий гап айтилмайди. Ахир, ўша ерларда ҳам коммунистлар ишлайди-ку! Менимча, масаланинг бу томонига ҳам эътиборни кучайтирадиган вақт келди.

Жонажон партиямизнинг улуғвор режаларини белгилаган КПСС XXIV съезди қарорлари ҳам биздан шуни талаб этмоқда. Ишлаб чиқаришга фан ютуқларини дадиллик билан жорий этиш учун курашиш ҳар бир олимнинг муқаддас бурчидир. Агарда у коммунист бўлса, бу ҳам бурч, ҳам мажбуриятдир, халқ ва партия олдидаги юксак ва шарафли масъулиятдир.

Босилмаган хатлар изидан

РЕДАКЦИЯ ЁРДАМ ҚИЛДИ

Областимиздаги 11-автобус парки ва 38-автобазага қарашли баъзи автобус ҳайдовчилар қўпол муомалалари билан меҳнаткашларнинг дилини ранжитяптилар, баъзан молия қоидасини ҳам бузмоқдалар.

Наманган областидан келган ушбу хат редакциянинг илтимоси билан область автомобиль трести томонидан текшириб кўрилди. Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. 11-автобус паркининг автобус ҳайдовчилари В. Тешабоев, М. Абдуллаев ва 38-автобазанинг автобус ҳайдовчилари У. Эргашев, А. Усмоновлар қаттиқ огоҳлантирилган.

* * *

Газета ҳаёт ойнаси. Мен кундалик газета-журналларни ўқимасам туролмайман. Лекин алоқа ходимлари газета-журналларни баъзан вақтида олиб келмайдилар. Газеталарнинг 3-4 сони бутунлай келмай қоляпти.

Тошкент шаҳар, Уйғур кўчасидаги Интизом проездида яшовчи Ш. Шаҳобиддиновнинг ана шундай мазмундаги хати Октябрь район алоқа бўлимига юборилган эди. У ердан редакцияга хабар қилинишича, хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Камчиликлар тугатилган. Газета ва журналларнинг ҳамма сонлари обуначиларга вақтида етказиляпти.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КУРА

ОДАМЛАР УЧУН... ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

«Ҳурматли редакция! Мен газетадан академик Б. Петровскийнинг тирик одамларга вафот этганларнинг баъзи тўқималари қўйилаётгани ҳақидаги мақоласини ўқидим. Инсон ўлгандан кейин ҳам баъзи аъзолари тирик қолиши мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Абдуллаев, Орипов.

Самарқанд шаҳри».

Редакцияда бундай хатлардан бир нечта эди. Узбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг директори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳ. А. Ҳакимовнинг қўлида эса бундай мактублардан бир папкасини кўрдим. Доцент Ҳ. А. Ҳакимов Тошкентда икки ғаройиб лабораторияни — «Вафот этганларнинг қони, аъзолари ва тўқималарини тайёрлаш» ҳамда «Қон ва илик банки» деб номланган лабораторияларни йўлга қўйишда бош-қош бўлган мутахассис. Сўнгги лабораториянинг очилганига бир неча ой бўлди, холос.

Яқинда олим билан учрашиб унга бир неча савол билан мурожаат этдик.

— Ҳозир жаҳон медицинаси катта босқичга қадам қўйди. Инсон организмининг энг мураккаб аъзолари кўчира бошланди. Бунда қон қуйиш борасида иш олиб бораётган олимларнинг қандай ҳиссаси бор?

— Ҳозир жирроҳлар қон ва резус группаси аниқланмаган ҳолда бирон бир жиддий операция бошламайдилар. Кўчириш операцияларининг муваффақиятли ўтиши учун ўртача 5-6 литр, хатто айрим ҳолларда 20 литргача қон керак бўлади. Лекин қонни сунъий тайёрлаш мумкин эмаслиги ҳисобга олинса, бу ниҳоятда жиддий проблемадир.

— Бизнинг замонамизда янги иборалар пайдо бўлди: «сунъий буйрак», «сунъий юрак», «сунъий ўпка». Медицина тарихида сунъий қон яратиш учун ҳаракат бўлганми?

— Баъзан, инсон ояларга қодир эмас, деб қўямиз. Лекин сунъий қон яратишга ҳозирча инсониятнинг бутунги имконияти йўл бермайди. Бунга сабаб: қоннинг ҳадсиз-ҳисобсиз мураккаблигидир. Мана бир мисол. Инсон организмидаги қон йўлларига бир кунда 250 миллиард эритроцитлар қўшилиб туради. Қоннинг мураккаблиги шу билан тугамайди, умуман, қон миллиард «элемент»лигина эмас, миллиард ҳоссали ҳамдирки, уни сунъий яратиш йўлидаги уринишлар бирон-бир жиддий самара бергани ча йўқ. Лекин ақл бовар қилмайдиган бу жўмбоқни табиатнинг ўзи осонгина ҳал этишини кўрганда киши лол қолади, холос.

— Вафот этганларнинг асосий «эҳтиёт қисмлари»дан фойдаланиш қандай бошланган?

— Аслида, кўпгина буюк кашфиётларга халқ медицинаси бундан минг йиллар бурун асос солган. Инсон юраги уришдан тўхтаганда унинг баъзи органлари тирик туришлиги ҳам халқ медицинаси яратган шундай ҳақиқатлардан биридир. 1928 йилда совет хирурги В. Н. Шамов: вафот этганлар қонидан фойдаланиш мумкин, деган ғояни экспериментал йўл билан асослаб берди. 1930 йил 23 мартда совет хирурги С. С. Юдин жаҳонда биринчи марта беморга вафот этган кишининг қонини қуйди. Операция муваффақиятли якунланди. Ўлган кишининг қони тирик томирларда жўшқин ва соғлом юра бошлади. Эндиликда биз биламизки, ўликлларнинг қони 5—6 соатгача ҳаётчан бўлади. 1954 йилгача Москвадаги Склифосовский номли «Тез ёрдам» институтида шундай қон қуйиш операциясидан 10 мингтаси муваффақиятли якунланди. Марҳумлар қони минглаб тириклар ҳаётини сақлаб қолди. Бу кашфиёт Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам қўл келган эди.

— Ҳайвонлар ўлган заҳоти қони қотиб қолади. Бу ҳол инсонда бошқачароқми?

— Ленин мукофоти лауреатлари унвонига сазовор бўлишган В. Н. Шамов билан С. С. Юдинларнинг буюк хизмати ҳам шунда-да. Инсон ҳам дунёдан кўз юмди дегунча қони қотиб, ушиб қолади. Лекин орадан 30—40 минут ўтгач, қон яна ўзининг суюқ ҳолига қайтар экан... Фақат бу қон организмда айланмайди, чунки қонни юргизувчи «мотор» — юрак тўхтаган бўлади...

Улимнинг биринчи белгиси — юракнинг тўхташидир. Шундан кейин ўпка «тинчийди». Кислородсиз қолган бош миз ҳам ўша заҳоти ўз фаолиятини тугатади. Бу уч аъзо бир-бирига боғлиқ ҳолда «оламдан ўтади». Лекин юракнинг тўхтагани ва ўпканинг тинчиганн — бу аъзоларнинг ўлгани эмас. Умуман, инсон чинакам ўлганндан сўнг ҳам буйрак, юрак, жигар, ўпка ва кўзда 5—6 соатгача «ўлим билан кураш», яъни ҳаёт давом этади. Вафот этган одамнинг энг кўп яшайдиган аъзоси суякдир, у 10—12 соатгача яшайди. Кўчириш операциялари бу ҳақиқатларни аллақачон минглаб тажрибаларда исботлаганнинг гувохимиз.

— Узбекистон медикларининг фаннинг бу нозик соҳасидаги ишларини айтиб берсангиз.

— Узбек олимлари бугунги кунда вафот этганлардан бир қатор муҳим «эҳтиёт қисмлар» тайёрлашга муваффақ бўла олдилар. Чунончи марҳумлардан қон, илик, тери остидаги парда, тоғай, пай, суяк, бўғинлар (тирсак ва тизза бўғини бутунлайнча), кўз қабатлари муваффақият билан кўчирилмоқда. Шунингдек, уларни «эҳтиёт шарт» учун бир неча йилгача асраб қўйишнинг ҳам йўлини топяпмиз. Ҳозир қонни 5 йилгача бузилмаган ҳолда сақлай оламиз. Бу ишлар асосан бизнинг институт қошидаги «Қонни консерватциялаш», «Вафот этганларнинг қони, аъзолари ва тўқималарини тайёрлаш» ва «Қон ва илик банки» лабораторияларида бажарилмоқда. Бу лабораторияларда биргина қоннинг ўзидан 20 дан ошиқ дори тайёрланмоқда. Айниқса, қондан тайёрланган плазма фибриноген, протеин, альбумин, гаммаглобулин, биопаста ва биопорошок каби дорилар яхши натижалар бермоқда.

Хуллас, жаҳон медицинаси, унинг илғор отряди бўлган совет медицинаси буюк проблемалар қаршисида, улкан кашфиётлар оғушида турибди. Бу проблемаларнинг кичик бир қисми устида иш олиб бораётганимиз билан биз, олимлар фахрланамиз.

Суҳбатни Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛИГИ

Бугун фашистлар Германияси Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилганига, Улуғ Ватан уруши бошланганига 30 йил тўлди. Гитлерчилар Ғарбий Европадаги ўзлари босиб олган мамлакатларнинг саноат потенциали ва одам ресурсларидан фойдаланиб жуда катта кучларни сафарбар этиб, урушнинг дастлабки даврида мамлакатимиз ичкарисига суқилиб киришга муваффақ бўлди.

Ёндирилган шаҳар ва қишлоқлар, тинч аҳолини оммавий равишда ўлдириш — фашистлар вақтинча босиб олган районларда ана шундай из қолдирдилар.

Бутун халқимиз фашистлар Германиясига қарши Улуғ Ватан урушига отланди. Совет жангчилари ҳар бир қарич ерни мардлик билан ҳимоя қилдилар ва урушда бурилиш ясаб, Ватанни фашист босқинчиларидан озод қилиб, душманни Ғарбга томон ҳайдадилар.

Совет Армияси уруш йилларида гитлерчилар қўшинларининг 500 дан ортиқ дивизиясини, фашистлар иттифоқчиларининг камида 100 дивизиясини тор-мор келтирдилар, жуда кўп ҳарбий техникасини мажақлаб ташладилар.

Совет қўшинларининг ғалабаси Европадаги бир қанча мамлакатларни гитлеризмдан озод қилди. Фашист ваҳшийларини ўз инида мажақлаб ташлаб, гитлерчилар рейхини тор-мор келтиришда Совет Армияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Фашистлар Германияси сўзсиз таслим бўлишга мажбур бўлди.

Совет кишиларининг қаҳрамонона жасорати капитал зулмидан озод бўлган халқни мағлуб қиладиган куч дунёда йўқлигини, шу халқ томонидан барпо этилган жонажон ижтимоий тузум — социализмни яксон қила оладиган куч дунёда йўқлигини яна бир бор кўрсатди.

ВАТАН учун жон фидо қилганлар... Улуғ Ватан урушида жон фидо қилиб, ғалаба кунига ета олмаганлар... Халқ уларни унутмайди, уларнинг номини абадий сақлайди. Суратда: Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхозда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган колхозчилар учун ўрнатилган ёдгорлик.

А. Тўраев фотоси.

ЖАСУР ЎҒЛОН

Липецк областининг Елец шаҳридаги Жанговар Шуҳрат музейида ва Москвадаги Совет Армияси музейида чирчиқлик Исмоил Тўлагановнинг сурати ва ҳужжатлари бор. У Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонлиги учун 8 та орден ва медаль билан мукофотланган.

«... 1941 йил 12 декабрда совет қисмлари Елец шаҳрини батамом озод қилдилар. Ёш ўзбек ўғлони комсомол аъзоси И. Тўлагаков душман билан жангларда мардонавор курашиб 12 немисни ер тишлатди. И. Тўлагаков олиб келган «тил» — немис офицери муҳим маълумотлар берди», — деб ёзиб қўйилган Шуҳрат музейидаги стендлардан бирига.

«... Рейхстагни олиш учун бўлган жангларнинг иштирокчиси ўзбек халкининг содиқ фарзанди Исмоил Тўлагаков фашистларнинг ҳужумларини қайтарди. Рейхстаг олинди! Гвардиячи жангчи унинг деворларига ушбу сўзларни ёзиб қолдирди: «Исмоил Тўлагаков. Тошкентдан. 1945 йил». Гвардиячи сержант мардлиги ва жасорати учун иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени билан мукофотланган.

Утган йили мен Тошкент областининг Чирчиқ шаҳрида бўлдим ва қаҳрамон билан учрашишга муяссар бўлдим.

У кўп жанг эпизодларини билади. Собик жангчи тез-тез мактабларда бўлиб, ўқувчиларга совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати ҳақида сўзлаб бермоқда. Ҳозир уруш ветерани Чирчиқдаги электрохимия комбинатида меҳнат қилаётир. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

В. ЛИПАТОВ.

ҲЕЧ КИМ УНУТИЛМАЙДИ!

КУМУШ ҚИЛИЧ

Эшик олдида тургандим. Қадди қомати келишган, очиқ чеҳрали узун шинель кийган киши уйимизни сўраб қолди. Кизик, ким бўлдийкин? Ҳарқалай, у нотаниш киши билан гаплашишга кизиқиб, югуриб олдига келдим. Суҳбатлашиб уйга кирдик.

Онам супада иш тикиб ўтирарди. Нотаниш кишини кўриб ҳаяжонландими, ўтирган ерида тик қараб қолди. Кейин ўрнидан туриб мулойим сўрашдида, нотаниш кишини супага таклиф этди. Карасам, онамнинг кўзлари жиққа ёшга тўлган. Отам эсига тушиб кетган бўлса керак, деб ўйладим, ўзимча.

— Ўтиринг, деб сўзида давом этди, онам. — Кўринишингиз, Жўраакага ўхшаб кетаркан... Мабодо, сиз у кишининг олдиданмасмисиз?..

— Шундай, шундай... Лекин...

— Лекин деяпсизми? У кишига бирор нарса бўлганга ўхшайди...

Онамнинг охирги сўзлари шундай бўғиқ чиқдики, кўрққанимдан нафасим ичимга тушиб кетди.

— Ўзингизни босинг опажон! Мен... мен... у кишидан ёдгорлик келтиргандим...

Онамнинг ранглари оқариб йиғлай бошлади. Беихтиёр мен ҳам йиғига тушдим. У киши бўлса бизни юпатар, аввал менга қулоқ солинглар, ҳаммасини батафсил айтиб бераман, — деб ўтинарди.

Ниҳоят йиғидан аранг ўзимизни тийдик. Онам бошини қуйи солганча қўлидаги рўмолчаси билан ўхтин-ўхтин кўз ёшларини артиб қўяди.

Бироз жимликдан сўнг нотаниш киши бўлган воқеаларни ҳикоя қила бошлади:

... 1942 йилнинг куз ойлари эди. Биз Тошкентдан тўғри Куйбишев шаҳрига келдик. У ерда бизни турли қисмларга бўлиб юборишди. Мен Жўра ака билан ҳарбий ҳаво десантига тушдик. Бизни ўқишга юборишди. Уч ой ҳарбий таълим олганимиздан сўнг Украина фронтига жўнадик. Қанча-қанча қишлоқ шаҳарларни фашистлар ҳужумидан мудофаа қилдик. Жўра ака генерал Собир Раҳимов командирлик қилган дивизия полкининг бирида взвод командири эди. Кейинчалик у гвардия капитани даражасига кўтарилганди...

Жўра ака ўз жангчилари билан Полтава областига қарашли ерларда немислар билан шиддатли жанг олиб боргани эсимда. Бир куни уни госпиталда эканлигини эшитиб қолдим. Излаб бордим. Бир кун йўқлаб борганимда нечундир эзилиб шундай деб қолди: «Балки, тузалиб қайта жангга кирарман. Лекин билмадим... Бир нима бўлиб қолса, мана шу кумуш қилични Тошкент шаҳар, Оржоникидзе район, Циолковский кўчаси 514-уйда яшовчи Клавдия Степановна Авзаловага берасан. Эсдалик бўлади...».

Мана, шу қилич Жўра акадан сизларга ёдгорлик. Унинг васиятига кўра уйнинг тўрига осиб қўйинглар. Урушга кетаётганимизда поездда бу қилични кўрсатиб, бу билан фашистларнинг бошини оламан, деган эди. Ҳақиқатан, у шу ишни қилди. Босқинчиларнинг додини берди. Лекин, уруш қурбонсиз бўлмас экан.

Нотаниш киши ҳикоясини тугалладди. Эзилган онам хўрсиниб, хўрсиниб, отам ҳақида гапира бошлади.

— Шундай одам ўлиб кетса-я... Темир иродали одам эдилар, 1924-йилда комсомол сафига кирган эдилар. Ўзбек ёшлари қаторида биринчи бўлиб ихтиёрий равишда Қизил Қўшин сафига қўшилган эдилар.

Орадан салгина вақт ўтиши билан у киши Фарғонага босмачилар тўдасига қарши курашиш учун кетди. Кейин Бухоро атрофидаги босмачи шайкаларга қарши отланди. 1926 йилда эса Самарқандда ташкил этилган биринчи ўзбек отлиқ полкида хизмат қилди. 1927-йилнинг октябрь ойида ҳарбий таълимда илғорлар қатори Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллик байрамини Москвада ўтказиш учун пойтахтга борди. Ушанда ўттиздан ортиқ ўзбек суворийлари ҳам Қизил майдондан ҳарбий параддан ўтишган экан. Параддан сўнг Будённий у кишини кумуш қилич билан мукофотлаган экан. Қайтиб келганда қончалик севинганни ҳали-ҳали эсимда...

Онам шу гапларни айтаркан кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқарди. У кумуш қиличга тикилиб қолганди. У шу қиличда отамнинг ўлмас руҳини, бизнинг бахтимизни кўраётгандек эди.

Л. МАҲСУМОВА.

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

БУРЧГА САДОҚАТ

Рота саф тортди. Капитан жангчиларга разм солар экан:

— Ефрейтор Олимов, икки қадам олдинга, — деб буюрди.

— Есть! — дея олдинга чиқди Олимов.

— Топшириқни аъло даражада бажаргани учун Ефрейтор Олимовга ташаккур эълон қиламан.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Бу Нўъмонжон Олимовнинг биринчи марта ташаккур олиши эмас. У кўллаб раҳматномалар ва «фахрий ёрлиқ»ларга сазовор бўлган. Ротамизда Нўъмонжон каби Ватан олдидаги бурчини юксак ҳис этиб, садоқат билан ҳизмат қилаётган йигитлар кўп. Б. Мелиқўзиев, М. Мадумаров, С. Эгамбердиев, И. Попондополар шулар жумласидандир.

М. МАҲМУДОВ,
оддий солдат.

АЪЛОЧИЛАР КОЛЛЕКТИВИ

Бизнинг ротани ҳақиқатан ҳам аълочилар ротаси деб аташади. Чунки, ротамизга қандай хизмат топширилса, коллективимиз аъло даражада бажаряпти.

Қашқадарёлик Тожибой Нурматов, бухоролик Хайрилла Муродов, хоразмлик Бекмамат Боқиев, наманганлик Муҳаммаджон Қозоқовлар ёш солдат бўлишларига қарамай, Совет Армияси аълочиси деган номга сазовор бўлдилар.

С. БОТИРОВ,
Н. қисм.

ОЛДИНГИ САФДА

Ички ишлар министрлигига қарашли Н. қисм комсомол ташкилоти Айнутдинов, Ҳасанов, Сангирбоев наби чекист жангчиларни тарбиялаган отаноларига миннатдорчилик билдиради. Улар қисмга Сирдарё областидан келган эдилар. Бу комсомол аъзоларининг ҳар бири камида 20 тадан ташаккурнома олди. Хизмат бурчларини ўтаётган пайтда биророрта ҳам камчиликка йўл қўймадилар.

З. АЙНИДДИНОВ,
Н. қисм комсомол ташкилотининг секретари.

* * *

Редакция Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўзбекистонлик йигитлардан кўплаб хат-хабарлар олмоқда. Бу хатларда ўзбек жангчилари оталари, акаларининг жанговар традицияларини садоқат билан давом эттираётганликлари, солдатларнинг қандай қилиб ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда аъло натижаларга эришаётганликлари ҳикоя қилинади. К. Худойназаров, М. Халимов, И. Норматов, М. Ваҳобов, Х. Норқулов, А. Мингбоев, С. Ҳайруддинов, Т. Юсуфхонов, С. Холиқулов, З. Хундибоев, Н. Келдиев, Ю. Қамбаров, Б. Шакаров, М. Сиддиқов, Н. Исломов ва бошқа оддий солдатлар, ефрейтор ва сержантларнинг қуролдош дўстлари, ҳамюртлари ҳақидаги хабарлари шулар жумласидандир.

ЖАСОРАТ

(ПОЛКОВНИК МАҲМУД ҚОСИМОВ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ)

Тошкентнинг Чиғатой даҳасидаги коммунистлар қабристонига дафн этилган моҳир чегарачи Маҳмуд Қосимовни таниган ва билган кишилар уни қаётлигида қанчалик ҳурмат қилишган бўлса, ҳозир ҳам тез-тез ёд этишади унинг қабрини зиёрат қилиб, гулчамбарлар қўйишади. Чунки Маҳмуд Қосимов босиб ўтган жанговар ҳаёт йўлини иззат-икром билан эслаш ва ёшларга ибрат қилиб кўрсатса арзигулик.

Ҳамиша ўз постида сергак туриб, она-Ватанимизнинг бепоён чегараларини кўз қорачиғидай сақлаётган совет чегарачиларининг сафида хизмат қилган ўзбек халкининг фарзандлари орасида Маҳмуд ака Қосимовнинг жанговар фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Нон деса кесак ғизиллаган, бой-бойга боқиб, сув сойга қараб оқаётган кезларда — 1901 йилнинг 23 июнида туғилган Маҳмуд Қосимов ўспиринлик чоғларидаёқ ўз тақдирини жангларда туғилган, курашларда тобланаётган Қизил Армия билан боғлади. Андижонлик бу йигитнинг ёшлиги гражданлар урушининг суронли йилларида босмачилар билан курашда ўтди. Жосуслар, аксил инқилобчилар, қўпорувчилар, контрабандистлар ва бошқа чегара бузувчилар билан бўлган курашларда Маҳмуд чиниқди.

Фарғона водийсида халқни бераёв талаган босмачиларга қарши курашда М. Қосимов ўзининг довюраклиги ва жасурлиги билан ибрат кўрсатди.

1922 йили М. Қосимов Жанубий чегараларга хизматга юборилди. Давлат хавфсизлиги органлари билан ҳамкорликда ва маҳаллий аҳолининг фаол ёрдамида бу отряд ўнлаб жосус ва янги ҳаёт душманларини, турли агентларни қўлга туширади.

Ҳарбий соҳага ғоят берилганлигини, янги ҳаётнинг ҳақиқий курашчиси эканлигини билган чегарачилар қўмондони уни 1926 йили В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё ҳарбий мактаби (ҳозирги В. И. Ленин номли Тошкент Олий Умумқўшин командирлар билим юрти)га малакасини ошириш учун ўқишга юборди. Кундалик ҳарбий машқ ва жанговар тайёргарликда М. Қосимов доимо яхши ва аъло баҳолар олди. Берилган ҳар бир топшириқни сидқидилдан тез ва вақтида бажарди. Мактабнинг оммавий-сиёсий, тарбиявий-жанговар ишларида фаол қатнашди. 1926 йилнинг ноябрь ойида Ленин партияси сафига қабул қилинди.

Ўқиш йилларида ака-укадай бўлиб кетган курсантларнинг мустақил ҳарбий ҳаёти бошланадиган вақт ҳам етиб келди. Ҳар бир курсант мамлакатимизнинг турли районига йўлланма оларди. Қаерда хизмат қиласиз? — деб берилган саволга Маҳмуд Қосимов: — партия ва ҳукуматимиз қаерда хизмат қилишни буюрса, ўша ерда, — деб жавоб беради. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган М. Қосимов чегара комендатурасига застава бошлиғининг ёрдамчиси қилиб тайинланади.

Комендатура составида тинч социалистик қурилиш йилларида жонажон Ватанимизнинг сезгир посбонлари номини баланд тутади. Қирғизистонда сўнггги кунларини яшаётган босмачи— Али Хўжаев, Ғойиб Пансот ва Аит Мереке тўдаларини тор-мор қилувчиларнинг олдинги сафида туриб жанг қилди.

Чегарачиликнинг оғир ва машақатли, айни вақтда шарафли касб эканлигини яхши тушунган М. Қосимов бу соҳанинг бутун ички-чикирларини пухта ўзлаштириб олади. Ёш комендир, изланувчан коммунист М. Қосимов Туркманистоннинг жанубий чегараларида ҳам кўп йиллар давомида хизмат қилди.

Маҳмуд ака совет чегарачилари сафида туриб ҳалол хизмат қилгани учун биринчи маротаба жанговар орден — Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Бу юксак мукофотни мамлакат оқсоқоли М. И. Калинин Кремлда унга топширган экан. Орден олиш маросими ва шу дақиқада бўлган шодиёна Маҳмуд аканинг қалбида жуда катта таассурот қолдирган эди. У ёш жангчилар билан бўлган суҳбатда ана шу маросим ҳақида фахр ва ғурур билан сўзлаб берарди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда М. Қосимов чегара участкасининг коменданти лавозимида жазирама Қорақум саҳроларида хизмат қиларди.

Ўрта Осиё бўйлаб Каспийдан Ғармнинг юқори чўққиларигача Ватан соқчилари, отлиқ аскарларимиз шу катта масофани зўр чидам ва сабр-бардош билан босиб ўтганлар. Булар ичида ўзбек халқининг содиқ фарзанди машҳур Собир Раҳимов ва Маҳмуд Қосимов ҳам бор эди.

1941 йилнинг декабрь ойида М. Қосимов отлиқ полкнинг штаб бошлиғи қилиб тайинланади. Йигирма йил давомида пастбаландини ўрганиб, ўзи севиб қолган соҳа-чегара хизмати билан ҳайрлашади. Кавалерия полкида кадрлар тайёрлашда, ҳарбий қисм ва бўлинмаларни ғалдаги жангу-жадалларга тайёрлашда ўзининг бой тажрибасини ишга солади, солдатлар орасида катта обрў қозонади.

Билимга бўлган ташналик 1942 йилнинг август ойидан то 1943 йилнинг июль ойигача М. В. Фрунзе номли командирлар ҳарбий Академиясида таҳсил кўрган йиллари янада яққол намоён бўлади. Бу ерда у душманни тор-мор этишнинг стратегия ва тактикасини синчиклаб ўрганади.

Унинг кўпдан бери қилган орзуси ушаладиган вақт келди. У фронтга йўлланма олди. Ана энди жаҳонга ҳокимлик даъвосини қилаётган ўша фашист ғасандалари билан бетма-бет туриб жанг қиладиган фурсат ҳам етиб келди.

М. Қосимовдаги ҳарбий талант, кўникма ва иқтидорини ҳисобга олган қўмондонлик уни масъулиятли вазифага — 4-Украина фронтининг 54-ўқчи корпусига оператив бўлим бошлиғи қилиб тайинлади. М. Қосимов жангга худди ана шу лавозимда туриб кириб борди.

Жасур командир, ташкилотчи коммунист Маҳмуд Қосимов 54-ўқчи корпус дивизияси билан Донбасс, Славянск, Краматорск, Запорожье, Миус дарёси, Мелитполь шаҳарларини қора ўлат — фашизмдан озод қилишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди.

1944 йилнинг бошларида тарих саҳифасига фахр билан ёзилган Перекоп операциясининг планларини чизишда ва амалга оширишда М. Қосимовнинг хизмати жуда салмоқли бўлди. Чунки у ҳарбий Академияда олган билимини мазкур операциянинг планларини ишлаб чиқишда кенг фойдалана билди. Бу операцияни тузишда ва уни амалга оширишда ўзбек халқининг содиқ фарзанди, билимдон офицери ўз қалами ва қуроли билан қатнашганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг чизган карталари, жанговар ҳисоб-китоблари тўла тўкис амалга ошди. Операция муваффақиятли тугади. Қримда фашистлар Германиясининг катта группировкаси тор-мор этилди. Севастополь операциясининг узоқи ўйлаб тузилганлигини немис фашистларини Қора денгизга улоқтириб ташлашга ва фактининг ўзи ҳам исботлайди.

Маҳмуд Қосимов фақат штаб офицеригина бўлиб қолмай, ўзи бевосита жанговар ҳужумларда ва разведкаларда оддий солдатлар билан бирга бўлди ва уларга шахсий намуна кўрсатди.

Улуғ Ватан урушы йилларида коммунист М. Қосимов бир неча маротаба ярадор бўлди, контузияга учради. Аммо шунга қарамай, у доимо дала госпиталида даволаниб, яна жангга киради. Мамлакатимизнинг ичкарисига бориб даволаниш ҳақида бериладиган маслаҳатларни ҳатто тингламаги ҳам келмасди. Бу ўжарлик эмас, йўқ. Она-Ватанига бўлган муҳаббат, фашизм устидан бўлажак ғалабани тезлатиш ишига шахсий ҳисса қўшиш истаги уни шунга мажбур қиларди.

Офицер Маҳмуд Қосимовнинг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган жасорати партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланди. У Ленин ордени ва учта Жанговар Қизил Байроқ ордени ва бир қанча медаллар билан мукофотланди.

Улуғ Ватан уруши тамом бўлгач, полковник Маҳмуд Қосимов 1946 йили партия ва ҳукуматимизнинг алоҳида муҳим ва махсус жанговар топшириғини ҳам шараф билан бажарди. 1946 йилдан 1954 йилгача Фарғона область ҳарбий комиссари бўлиб ишлади. Бу вазифада ўзининг чуқур билими ва бой тажрибасидан оқилона фойдаланиб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Бутун умри жангу-жадалларда, меҳнатда, изланишда ўтган одам меҳнатсиз яшай олмайди. Шунинг учун Маҳмуд Қосимов истеъфога чиққач, Меҳнаткашлар депутатлари Фарғона шаҳар Советининг раиси лавозимида ҳам мамлакатимизнинг равнақи ишига баракали ҳисса қўшди. Фарғона область ижроия комитетининг аъзоси, Фарғона область ва шаҳар Советларининг депутати бўлиб, халқ хизматкори деган шарафли номни оқлашга интилди.

Бутун умрини совет халқининг порлоқ келажаги ишига сарфлаган партиянинг солдати, моҳир командир, ташкилотчи ва тадбиркор раҳбар бўлган Маҳмуд Қосимов 1963 йил 19 майда вафот этди.

Революция солдатининг халқимиз учун қилган катта хизматлари унинг Ватан чегарасидаги фаолияти, доимо олга интилиш, мардлик ва жасоратга тўла ҳаёти ёшларимизга ибрат бўлиб хизмат қила олади.

Полковник М. Қосимовнинг фото ва ҳужжат материаллари Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейида сақланмоқда.

Собиржон ОХУНЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари ўринбосари, полковник.

Адҳам РАҲМАТОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ёзувчи-журналист.

ЁДГОРЛИК ЁНИДА

Бухоро шаҳридаги «Узмясоригторг» базаси ишчиси Зоир Камолов ўз меҳнат отпускасида Харьков областига бормоқчи бўлди. Зоир ака шу область территориясида оғир жангларни бошидан кечирган, фашист босқинчиларини она-юртимиз тупроғидан қувлаб чиқаришда иштирок этган. Йиллар ўтиши билан ёшлик қадр-қиммати кўпроқ билинади. Зоир ака ҳам навқиронлик йиллари ўтган жойларни, ўзи учун қадрдон бўлиб қолган украин қишлоқларини бориб кўргиси келди. Оиласи билан поездга чиқиб кўл олди.

Мана, Анастасиевка қишлоғи. Узбекистонлик меҳмонлар биродарлар қабристонини зиёрат қилиб юришганда Зоир аканинг кўзи қабр тошидаги ёзувга тушди.

«Оддий жангчи Зоир Камолов, 1929—1943» деб ёзиб қўйилганди унга.

Бироқ 1943 йилнинг кузида Ҳалима опа шум хабар олди. «Ўғлингиз Зоир Камолов 1943 йил 23 август куни Харьков шаҳрини озод қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлди» деган хат келди. Зоир Камолов бу воқеалардан бехабар эди. Икки кундан сўнг, 25 августда қисм командири подполковник Туров оддий жангчи Зоир Камоловга ўлимидан сўнг «Жасорати учун» медали берганлигини, эълон қилганидан, қуролдош дўстлари эса жанг шашти билан бўлиб уни ўлдига чиқариб, ёдгорлик ўрнатиб кетганликларидан бехабар, чунки госпиталда ҳушсиз ётар эди.

Зоир Камолов етти ой деганда госпиталдан тузалиб чиқди. Энди ўқ-дори ташиш отрядига қабул қилинди. Гомель, Варшава, Коэль, Познань, Брест-Литовск шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Кўкрагини жасурлиги учун Ватан орден ва медаллари безаган Зоир Камолов уйига ғалаба билан қайтди.

Зоир ака ўзига ўрнатилган ёдгорлик олдида турар экан, кўз олдида ана шу даҳшатли уруш, йиллари гавдаланди. Ёнида ҳаяжонини зўрға яшириб жим турган оиласига қараб:

— Ҳеч қачон уруш бўлмасин, урушнинг номи ўчсин! — деди.

М. МУРОДОВА.

ИККИ КАПИТАН



Самарқандлик Ғаффор Жабборов билан қашқадарёлик Гали Юсуповнинг дўстлиги Улуғ Ватан уруши йилларида бошланган, душманга қарши қонли жангларда тобланган. Бу икки дўст Смоленск областидан Шимолий Пруссиягача бўлган катта масофани жанг билан босиб ўтди. Оддий солдатликдан ҳар иккиси ҳам капитан — моҳир командир даражасига кўтарилди. Икки дўст 1944 йилда окоп ичида ўтириб, партия сафига қабул қилиш тўғрисида ариза ёзишган. Иккаласи даҳшатли жанглар орасидаги бир неча соатлик жимликда КПСС сафига қабул қилинган.

Гали Юсупов жангдаги жасорати ва мардлиги учун биринчи ва иккинчи даражали улуғ Ватан уруши орденлари билан мукофотланган. Бундан ташқари унинг кўксини «Қизил юлдуз» орденн ва 13 та турли медаллар безаган.

Ғаффор Жабборов эса «Қизил юлдуз» орденн ва 11 та медал билан мукофотланган.

Ҳозир Улуғ Ватан уруши ветеранлари Г. Юсупов Яккабоғ районидаги Охунбобоев номли ўрта мактабда ўқитувчилик қилмоқда. Ғаффор Жабборов эса шу райондаги «Коммунизм» колхози касалхонасининг бош врачидир. Улар тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турадилар. Жангларда тобланган дўстлик ана шундай мустаҳкамдир. Суратда: Г. Юсупов ва Ғ. Жабборов ўртоқлар.

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. «ЧКД — Соколово — Прага» локомотив заводининг маҳсулотлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида машҳур. Унинг маҳсулотлари ни СССР ҳам кўплаб сотиб олмоқда. Бу йил совет темирйўл вакиллари 200 дан зиёд дизель электровоз сладилар. Суратда: монтаж цехида.

В. Соболев фотоси. (ТАСС).

Чили. Ер масаласи мамлакат олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Альенде ҳукумати ер ислоҳоти ўтказишга қарор қилган эди. Бироқ йирик ер эгалари қаттиқ қаршилик кўрсатишяпти. Шунга қарамай, деҳқонлар ҳукумат ёрдамида бўш ётган ерларни эгаллаб олмоқдалар. Суратда: Сантьяго вилоятининг деҳқонлари ер ислоҳоти ўтказилишини талаб қилувчи шиор ёнида.

Г. Тихонов фотоси. (ТАСС).

БУЮК ЖАСОРАТ

Деярли бутун Европани бўйсундирган фашистлар Германияси босиб олинган мамлакатларнинг моддий бойликларини ишга солиб, Совет Иттифоқига ёпирилиб кирганига роса 30 йил бўлди. Гитлерчилар дунёга ҳокимлик қилишга уринардилар. Бунинг учун эса энг аввало СССРни ҳарбий-сиёсий жиҳатдан тор-мор келтиришни асосий мақсад қилиб қўйишганди.

Дунё халқлари урушнинг боришини зўр эътибор билан кузатишарди. Чунки ўз тақдирларининг кўп жиҳатдан гитлерчи галалар ҳужумини сабот билан қайтараётган совет кишиларининг ҳаракатига боғлиқ эканинг улар яхши билишарди. Бу пайтларда фашизм инсониятга нималар олиб келаётгани яхши маълум эди. Германия ва босиб олинган мамлакатлар территориялари миллионлаб кишилар қабри бўлиб қолган ўлим лагерларига айлантирилган эди. Гитлерчи каллакесарнинг улар босиб олган ерлардаги бебошлиги фашистлар «янги тартиби»нинг ҳақиқий башарасини кўрсатиб турарди. Европанинг кўпгина халқлари ўлим хавфи остида қолганди.

Фашистларнинг плани амалга ошган тақдирда, ўнлаб Осиё—Африка мамлакатлари, жумладан Араб Шарқи халқларининг бошига ҳам европаликлар кўни тушарди. «Учинчи рейх» раҳбарларининг планлари, директивалари ва оддий ёзишмалари сингари сон-саноқсиз ҳужжатлар бундан далолат бериб турибди.

Ҳали Совет Иттифоқига ҳужум қилинмасдан бир йил бурунроқ Гитлер ставкасига меморандум тайёрлаб берилган эди. Ана шу меморандумга мувофиқ, урушдан кейин вужудга келадиган «Герман империяси»га Африка-Осиёнинг 25 мамлакати, шу жумладан Фаластин, Трансюрдания, Қувайт, Баҳрайн, Ироқ, Миср кириши керак эди. 1941 йилнинг 11 июнида «Барбаросдан кейинги даврга тайёрланиш» директиваси тасдиқланди. Унда айтилишича, Совет Иттифоқи билан урушда галаба қозонилган тақдирда немис қўшинлари Яқин Шарқни босиб олиб, Эрон ва Афганистон орқали ўтиб, Ҳиндистонга ёпирилиб кириши керак эди.

Гитлерчилар аввалига ўзларини арабларнинг «ҳимоячиси» қилиб кўрсатиб, араб халқларининг ингилиз ва француз босқинчиларига қарши қаратилган ҳаракатига қўшилмоқчи, ўзларининг экспансионистик мақсадлари йўлида ана шу ҳаракатдан фойдаланишга уринмоқчи бўлдилар. Шу билан бир қаторда улар Яқин Шарқни босиб олиш учун Шимолий Африкадаги ва Болқондаги ўз қўшинларидан ҳам фойдаланмоқчи бўлдилар. Аммо бу план амалга ошмай қолди. Чунки гитлерчилар Германияси аввалдан ўйлаб қўйилган Совет Иттифоқига ҳужумга ўтишга киришди. Шу сабабли у Шимолий Африка ва Болқондан ўз ҳарбий-ҳаво кучларини ола бошлади. Натижада Араблар Шарқига бўлаётган хуруж анча сусайди.

Нацистларнинг ниятлари амалга ошган тақдирда арабларнинг бошига ҳам фашистлар тиз чўктирган халқларнинг оғир қисмати тушган бўлур эди.

Дунё халқлари Совет Армиясининг галабаси ҳақидаги хабарни чексиз қувонч билан қаршиладилар. Гарчи ўша галаба кунидан буён анча вақт ўтган бўлса-да, кишилар қалбида Совет мамлакатига миннатдорчилик туйғуси мангу яшайди. Ҳа, совет халқи Англия фельдмаршали Монтгомери таъ олганидек, «буюк ҳарбий жасорат кўрсатди», нацистлар зулмидан фақат ўз Ватанларинигина эмас, балки кўпгина бошқа халқларни ҳам халос этди.

Совет халқининг галабаси жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга. У халқларни гитлерчилар истибдодидан халос этди, социализмнинг енгилмаслигини исботлади, социалистик лагернинг тўгилишидан, мустамлака мамлакатлари ҳаётида янги даврнинг бошланишидан дарак берди.

Араб Шарқининг халқлари ўз ишларининг ҳаққонийлигига чексиз ишонч билан мустамлакачиларга қарши курашга отландилар. Уруш тугагандан кейин ўтган йиллар ичида араб халқлари мисли кўрилмаган ютуқларга эришдилар. Улар мустамлакачилар бўйинтуруғини улоқтириб ташлаб, мустақиллик йўлидан, социал ўзгаришлар йўлидан дадил бормоқдалар. Араб мамлакатлари билан социалистик лагерь давлатлари ўртасидаги дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Буларнинг ҳаммаси совет халқининг буюк жасорати — Улуғ Ватан урушида герман фашизми устидан қозонган ғалабаси туфайли амалга ошмоқда.

С. КУЛИНИЧ. (АПН).

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

КЎПЧИЛИККА МАЪҚУЛ БЎЛАЁТГАН ТАКЛИФ

КПССнинг XXIV съездида эълон қилинган ва кейинроқ совет раҳбарларининг сайлов олдидан сўзлаган нутқларида ҳамда Германия Бирлашган социалистик партиясининг VIII съездида Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида янада ривожлантирилган тинчлик программаси жаҳон жамоатчилигининг жуда катта диққат ва эътиборини жалб қилди. Хатто тинчликка доир таклифлар тўғрисида ҳам ҳарбий ахборотлар тили билан гапиришни афзалроқ деб билган Ғарбий буржуа матбуоти ҳам эндиликда Совет Иттифоқининг «янги дипломатик ҳужуми» тўғрисида ва бу ҳужум Ғарбдаги ҳукмрон доираларни ғафлатда қолдирганлиги» ҳақида ёзмоқда.

Англиядаги «Обсервер» газетаси Совет Иттифоқи тинчлик тўғрисидаги янги проблемани қандай вазиятда таклиф қилганлигини таъкидлаб, «Совет раҳбарлари Совет давлатининг халқаро мавқеига ғоят ишонганликларини, улар ўз сиёсатларига ва ўзлари яратаётган мустаҳкам системага ғоят ишонганликларини» уқтириб ўтмоқда.

Москвадаги Бауман район сайловчилари йиғилишида Л. И. Брежнев сўзлаган нутқ зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Шу нутқда қўйилган қуйидаги уч проблема яъни Европадаги қуролли кучларни ва қуролларларни қисқартириш, тенглик принципига асосланиб туриб қуролсизланиш проблемалари ҳамда буюк давлатларнинг ўз соҳиллиридан олисда сузиб юрган ҳарбий денгиз флотларига доир проблема Ғарб обзорчиларининг эътиборини жалб қилди. Обзорчилар Л. И. Брежнев Европадаги қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида гапирганида, чет давлатларнинг қуролли кучларини ҳам, шунингдек миллий қуролли кучларни ҳам назарда тутганлигини қайд қилиб ўтдилар. Англиянинг таниқли лейборист арбоби Хили бу ҳусусда айтганидек, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқи «Қўшинлар сонини ўзаро қисқартириш тўғрисида Варшава Шартномаси мамлакатлари билан музокаралар олиб бориш масаласида Ғарбнинг ланжлик қилишига сабаб бўлаётган охирги баҳонани йўққа чиқаради».

Шу нарса диққатга сазовордирки, Европа мамлакатларининг, шу жумладан, НАТО қатнашчиси бўлган баъзи мамлакатларнинг ҳам совет таклифларига ижобий назар билан қараётганликлари Қўшма Штатларнинг ўзини ниҳоят даражада «четга олиб турганлиги»ни таъкидлаб кўрсатмоқда. «Американинг расмий шахслари, — дейилади Рейтер агентлигининг хабарида, — ҳарбий денгиз кучларини қисқартириш масаласи устида музокаралар олиб бориш тўғрисида Л. И. Брежнев қилган таклифга нисбатан эҳтиёткорлик позициясига ўтиб олдилар».

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Германия Бирлашган социалистик партияси VIII съездида сўзлаган нутқида Ғарбий Берлин проблемасига доир айтилган гаплар ҳам Ғарбда анчагина қизиқиш туғдирди. Обзорчиларнинг аксарияти, бу нутқга Ғарбий Берлиндаги аҳволни бартараф қилишга ёрдам берадиган «ижобий» нутқ деб, Германия Федератив Республикаси билан социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга қўшилган муҳим ҳисса, деб баҳо беришди.

Ғарбий Берлин масаласини бартараф қилишда Совет Иттифоқи ўзининг «тайёр эканлигини яққол ифодалаганлиги»ни Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг расмий баёнотида табриклаганди. Канцлер Брандт, Л. И. Брежневнинг «Берлин тўғрисидаги музокараларнинг ижобий натижаланишидан манфаатдор» эканлигини ва Германия — Совет шартномасига ижобий баҳо бераётганлигини уқтириб ўтди.

Ғарбдаги обзорчилар Совет Иттифоқининг тинчликка қаратилган ташаббусини шарҳлаб, аслини олганда бу ташаббус Ғарбда хавфсизликни таъминлаш ва қуролсизланиш проблемалари билан конкрет ва жиддий шуғулланишга даъват қилувчи таклиф эканлигини таъкидламоқдалар. Жаҳон жамоатчилиги Совет Иттифоқи кўтариб чиққан масалаларнинг ҳаммасига Ғарб давлатларининг ҳам худди шундай конкрет жавоб беришларини кутмоқда.

ВАШИНГТОНДАГИ МУНОФИҚЛАР ФОШ ҚИЛИНДИ

АҚШда жуда катта сиёсий шармандалик рўй берди. Унинг оқибатлари қандай бўлишини олдиндан айтиб қўйиш қийин. Бу шармандаликнинг келиб чиқишига сабаб шу бўлдики, Американинг Вьетнамдаги агрессиясида тўғрисида Пентагоннинг маҳфий ҳужжатларининг «Нью-Йорк таймс» газетаси ўз саҳифаларида эълон қила бошлади. Бу ҳужжатлар ўн минглаб, юз минглаб кишиларнинг, шу жумладан Америка солдатларининг ҳам ёстиғини қуритишга олиб келган жирканч сиёсий найрангларнинг мудҳиш манзарасини очиб берди. Газета саҳифаларида шу дамгача эълон қилинган ҳужжатлар (ҳужжатларнинг қолган қисмини эълон қилишни суд таъқиқлаб қўйди) Американинг Вьетнамдаги ҳарбий аралашуви учуч ҳеч қандай асос бўлмаганлигини кўрсатиб турибди. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини бомбардимон қилиш ҳам, Америка қўшинларининг агрессияда бевосита иштирок қилиши ҳам, Тонкин кўлтиғида Америка кемаларига «ҳужум қилинди» деган сингари баҳоналар топилмасдан анча олдин планлаштириб қўйилган экан.

Ҳужжатлар 1967—1968 йилларда яъни Никсоннинг ҳозирги республикачи ҳукумати ҳокимиятни қўлга олмасидан олдинги даврга тааллуқли ҳужжатлардир. Бинобарин, бу ҳужжатларга энди «тарихий» бир нарса деб қараса ҳам бўлар эди. Бас шундай экан, Вашингтонда шунчалик шовқин-сурон кўтарилганлигининг боиси нима? Гап шундаки, мана шу ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳозирги кунга бевосита алоқадордир.

АҚШ давлат секретари Рожерс ҳозирги ҳукуматнинг расмий нуқтаи-назарини ифодалаб берди. Рожерс ўзининг шу гапида бундан олдинги ҳукуматни қойиб ташлайди, президент сайлови ўтказиш вақти яқинлашиб келаётганлигини назарда тутиб, бундан олдинги ҳукуматни «халқни ва конгрессни алдабди» деб коралайди, деган мазмунда гумон қилиш мумкин эди. Дуруст, Роджерснинг баёнотида «фош қилувчи» гапларҳам бор. Лекин асосий эътибор унга қаратилгани йўқ. Энг муҳими шуки, Рожерс фош қилувчи ҳужжатларни «тарихчилар» учун аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар деб кўрсатишга уринди кўрди ва бу ҳужжатларни эълон қилишнинг давом эттирилишига катъиян қарши бўлиб чиқди.

Ҳужжатлар эълон қилинганлигининг Никсон учун «фойдали» жиҳатлари Пентагонга раҳмат. Навбатдаги президент сайлови вақтида ўз рақиблари бўлган демократлар фош қилинганлигидан ўзи учун сиёсий манфаат чиқариб олишга уринди кўриши мумкин. Ҳужжатларнинг эълон қилинишига ҳозирги ҳукуматнинг даҳли бўлса керак, деган тахмин айтилаётганлиги бежиз эмас. Собиқ президент Кеннединнинг кенгашчиси Сэлинжер айтдики, «Бу ҳужжатларнинг эълон қилиниши президент Никсонгагина фойда бериши мумкин. Ҳозирги ҳукумат аъзоларидан бирининг бу ишга аралашганлигини билиб қолсам мен бунга тааж-жубланмайман».

Бироқ бу фош қилишларнинг Никсон ҳукумати учун «ноқулай» жиҳатлари анча вазминроқдир. Маълумки, уруш олиб бориш сохасида ижрочи ҳокимиятнинг вакилларини чеклаб қўйиш мақсадида ҳозир АҚШ сенатида кампания олиб борилмоқда. Эълон қилинган ҳужжатларда эса президент конгресси ва Америка жамоатчилигини қандай қилиб пақиллатганлиги ва алдаганлиги кўрсатиб турибди. Бу эса президент ҳокимиятини чеклаб қўйиш тарафдорларининг позициясини мустаҳкамлаши турган гап, албатта.

Яна бунинг устига Никсон ҳукумати ўзидан олдинги ҳукуматнинг жирканч найрангларига ўзини асло «даҳлдор» деб ҳис қилаётгани йўқ. Масаланинг бу жиҳатига эса кўпроқ эътибор бермоқ керак. Сенатор Мондейл АҚШнинг Вьетнамдаги сиёсати шу вақтгача ўзгармай давом этиб келаётганлигини айтиб бундай савол берди: Агар биз Камбоджага ва Лаосга бостириб кириш тўғрисидаги қарорларга ёки Жанубий Вьетнамдаги ҳозирги режим билан бўлаётган муносабатларга тааллуқли материалларни кўришга муваффақ бўлганимизда эди, бу материаллар «Нью-Йорк таймс» газетасида эълон қилинган материаллардан қанчалик фарқли эканлигини билган бўлармидик?

Ҳозирги ҳукумат вакилларидан бирор кишининг бу саволга сидқидилдан жавоб бериши маҳол бўлса керак. «Сент-Луис Пост-Диспетч» газетаси бундай деб ёзади: «Ҳужжатларда айтиб ўтилган маҳфий ишлар ҳозир ҳам давом этмаётир, деб ўйлаш гўллик бўлур эди. Никсон ҳукуматининг кўпчиликка айтган гапларида ҳам худди ўша вақтдагидек музокаралар олиб бориш истаги йўқлигини, ҳарбий кучга таяниб иш кўрилаётганлигини ва худди ўша вақтдагидек урушни кенгайтириш иштиёқи борлигини пайқаб олиш мумкин».

Нихоят бошланиб кетган бу жанжалнинг Никсон ҳукуматига ёқмайдиган яна бир жиҳати шуки, шу жанжал туфайли АҚШдаги мақталган «демократик эркинликларэ»нинг ҳақиқий қиёфаси яққол намоён бўлди. АҚШдаги нуфузли гуруҳлар ўртасида олиб борилаётган маҳфий кураш натижасидагина, мана шу фош қилувчи ҳужжатлар «Нью-Йорк таймс» газетасида пайдо бўлди, деб ҳамма айтиб турибди. Лекин фош қилишлар ўша доираларга маъқул бўладиган чегарадан чиқиб кетиши биланоқ суд органлари бу ишга аралашганлиги натижасида матбуот эркинлигидан асар ҳам қолмади.

С. ИВАНОВ. (ТАСС).

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Асалчи чумолилар

АҚШнинг жанубида ва Мексикада асалчи чумолилар яшайди. Улар шажар дубининг шарбати билан озиқланишади, кўплаб асал жамғаришади.

Хўш, чумолилар тўплаган асални қанақа идишларда сақлашади? Тадқиқотчилар уларнинг уясини очиб кўришганда, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Чумоли уясининг гумбазида катталиги узум донасига тенг келадиган «бочка»лар осиғлиқ турарди. Аниқланишича, «бочка»лар ҳам чумолилар бўлиб, улар асал тўплагич идиш ролини бажарар эканлар.

Бўри изидан

Чўпонлар бригадир Жабборовга шикоят қилиб қолишди:

— Бўри ҳол-жонимизга қўймаяпти, пода атрофида айланган айланган.

Жабборов — тажрибали овчи. У бўри изидан тушишга ахд қилди. Бўри ҳам кўп нутдирмасдан дуч келэ қолди. Овчи тепкини босди. Аммо енгил яраланган бўри қочиб қутулди. Унинг изидан борган Жабборов уясини топиб олди. Она бўрини ўлдириб, унинг инидан етти боласини чиқариб олди. Бир неча кундан кейин эса у яна бир бўрининг ининн топди. Унда бешта бўри боласи бор экан. Жабборов қишлоққа ўлжалар билан қайтди.

З. МАВЛУБЕРДИЕВ.
Озарбайжон ССР.

Жасур қуён

Бу дала йўлида юз берди. Қарғалар қағилаганича бир туп бута устида чарх уришарди. Ана улардан бири пастга шўнгиди, шу заҳоти пастдан бир қуён унга қарши сакради. Қарғанинг патлари тўзиб кетди.

Биз жасур қуён ўз болаларини қарғалар ҳужумидан ҳимоя қилаётган жойга шошилдик. Шофер бошқа ерда ин ясаб, атрофини латта билан беркитди-да қуёнчаларни ўша ерга олиб ўтди. Қарғалар шовқин солиб, норозилик билдиришарди. Биз уларни ҳайдаб юбориб нариқ бордик-да орқага қарадик. Она қуён болалари яширилган бута томон чопиб борарди.

А. КИШКУНОВ.
Павлодар области.

ИМКОНИЯТЛАР БОЙ БЕРИЛДИ

Ўтган шанба ва якшанба-кунлари мамлакат футбол чемпионатининг навбатдаги тури бўлиб ўтди. Белоруссиялик динамочиларни ўз майдонида қабул қилган «Пахтакор» ўйинининг дастлабки минутларида муҳлисларни қувонтирди. Ўйинчиларимизнинг кетма-кет шиддатли ҳужумлари меҳмонларни бир оз эсанкиратиб ҳам қўйди. Бироқ пахтакорчилардаги ҳужумкорлик узоққа чўзилмади. Аниқса, ўйиннинг иккинчи қисмида суст кашликкка ўтиб олишди.

Агар ўйиннинг биринчи қисмида Абдураимов, Варюхин, Цибин ҳисоб очилиши мумкин бўлган қулай имкониятни бой беришмаганда, учрашув галаба билан тугаши аниқ эди. Бу ўйинда янги дарвозабон А. Говоров ўйнади.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижа билан тугади: ЦСКА—«Карпат» 1:1, «Динамо» (К) — «Торпедо» 0:0, «Динамо» (М) — СКА (Р) 4:1, «Динамо» (Тб) — «Зенит» 2:1, «Нефтчи» — «Заря» 2:1, «Арарат» — «Шахтер» 1:0, «Қайрат» — «Спартак» 1:1.

Ўйинлар жадвалининг бугунги кўриниши:

	У	Ю	Д	М	Т	О
«Динамо» (К)	10	6	4	0	10—1	16
«Арарат»	11	6	4	1	14—4	16
«Нефтчи»	11	5	4	2	19—12	14
«Динамо» (М)	10	4	6	0	11—5	14
«Қайрат»	11	5	3	3	14—12	13
«Динамо» (Тб)	10	5	2	3	8—9	12
ЦСКА	11	4	4	3	12—9	12
«Заря»	11	3	5	3	10—8	11
«Спартак»	11	2	6	3	11—12	10
«Карпат»	11	3	4	4	11—14	10
«Торпедо» (М)	11	1	7	3	3—5	8
«Динамо» (Мн)	11	1	6	4	11—15	8
«Пахтакор»	11	2	4	5	6—16	8
«Зенит»	11	1	5	5	5—12	7
«Шахтёр»	10	3	0	7	5—8	6
СКА (Р)	11	1	4	6	9—17	6

УЛУҒ ТУРСУНОВ

Республикамизнинг илмий жамоатчилиги оғир мусибатга учради. Атоқли олим, А. Навоий номли Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Улуғ Турсунов оғир бетобликдан кейин вафот этди.

Улуғ Турсунов 1905 йилда Қўқон шаҳрида ҳунарманд оиласида дунёга келди. У Шарқ тиллари Ленин институтини тамомлаб чиққанидан кейин 1931 йилда ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги тил ва терминология комитетининг илмий ходими, Тожикистон агропедагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, Ўзбекистон маданий қурилиши илмий-тадқиқот институти лингвистика секторининг мудири бўлиб ишлади.

Улуғ Турсунов 1936 йилдан умрининг охиригача Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келди. 1941 йилда унга филология фанлари кандидати илмий даражаси, 1957 йилда профессор деган илмий унвон берилди. Филология фанини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун 1956 йилда унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди.

Улуғ Турсунов ўзбек тилшунослиги масалалари юзасидан 70 дан кўпроқ илмий асарларнинг, шу жумладан ҳозирги замон ўзбек адабий тили дарслигининг муаллифидир. 40 нафар дан кўпроқ ёш олимлар унинг бевосита раҳбарлигида диссертация ёқлашди. Улуғ Турсунов СССРнинг «Қизил юлдуз», «Меҳнат Қизил Байроқ», «Ҳурмат Белгиси» орденлари, медаллари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, атоқли олим, толмас меҳнаткаш, ажойиб ўртоқ Улуғ Турсуновнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Мультфильм, 19.15 — Ахборот, 19.30 — Телеспектакль. **Узбек тилида:** 21.20 — Ахборот, 21.35 — Концерт, 22.20 — **«Бўстон».**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — ТОШКЕНТ. 19.00 — МОСКВА. 19.50 — Ҳужжатли фильм, 20.05 — Янгиликлар, 20.15 — Телеспектакль.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 20.00 — **Оддий фашизм** (ҳужжатли фильмнинг 1 ва 2-сериялари).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/VI да **Қорсар,** 24/VI да **Ойжамол,** 25/VI да **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/VI да **Ўғирланган умр,** 23/VI да **Аяжонларим,** 24/VI да **Олтин девор.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Асосий зарба (2 серия)— САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ярим, кундуз соат 2, 4 ярим ва кеч соат 7, 9.15 минутда).

Сариқ чамадон саргузашти — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «КЎКЧА» (эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз соат 3 ва кеч 8.45 минутда).

Тунги смена — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Чегарада отилган ўқ — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Осмоннинг бир бўлаги — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиги — «КЎКЧА» (кундуз соат 1, 3 ва кеч соат 7 да).

Венгер бойи, Золтан Карпатининг тақдири — «МОСКВА» (кеч соат 8.40 минутда).

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ва Журналистлар союзи правлениелари СССР Ёзувчилар ва Журналистлар союзларининг аъзоси, Фарғона область «Коммуна» газетасининг бўлим мудири

Шерали ТОШМАТОВнинг

вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кучаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 142. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 04287.